

«Йил раҳбари» нуфузли танловда ғолиб аниқланди



11:48 / 26.09.2023 1757

Британияда ўтказилган «Йил раҳбари» нуфузли танлов мукофотида халқаро хайрия ташкилотининг биринчи аёл бош раҳбари Ридвана Уоллес Лаҳер сазовор бўлди.

Уоллес Лаҳер 1 сентябрь куни Бирмингемда бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида бош совринни қўлга киритди. Бу ҳақда Wakefield Express манбаси хабар берди.

«British Asian Professional Awards 2023» танловида «Йилнинг бош раҳбари» мукофотини қўлга киритиш мен учун шарафдир», дейди Уоллес Лаҳер.

- Бу эътироф нафақат шахсий ютуқ, балки жамоамнинг саъй-ҳаракатлари ва ижобий ўзгаришларни илгари суриш мажбуриятимизга ҳурматдир. Мен хилма-хиллик ва инклюзивликни қадрлайдиган жамиятнинг бир қисми эканлигимдан фахрланаман. Бундан кейин ҳам муваффақият ва имкониятлар йўлини кенгайтиришда давом этаман.

Oceanic Consulting томонидан ташкил этилган Британия Осиё Профессинал мукофотлари Британия ҳамжамиятида муҳим роль ўйнайди.

Уоллес Лаҳер шу йил бошида халқаро мусулмон хайрия ташкилотининг янги бош ижрочи раҳбари этиб тайинланган. У биринчи мусулмон аёл сифатида тарихга кирди.

У таълим ва хайрия соҳасида қарийб 20 йилдан бери етакчилик қилиб келмоқда. Катта тажрибага эга бўлган Уоллес Лаҳер инновациялар, ҳамкорлик ва рақамли трансформацияни тарғиб этиш орқали ташкилий ўсиш ва диверсификацияни рағбатлантирди.